2012 йил 16 ноябрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 227 (12.288)

Баҳоси эркин нархда

**ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ**





*Икки кун давомида болаларнинг энг севимли тадбирларидан бирига айланган «Янги авлод — 2012» болалар ижодиёти фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи 965 нафар ўғил-қизлар иштирокида Ўзбекистон Давлат консерваториясида бўлиб ўтди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ёш истеъдодларни кашф этиш мақсадида юртимизда 2004 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган фестивалнинг Республика финал босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими эса 28 ноябрь куни «Истиқлол» санъат саройида ташкил этилади.*

**Янги авлод — 2012**

## ФЕСТИВАЛДА ЭНГ ИҚТИДОРЛИЛАР

«Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган энг йирик лойиҳаларидан бири ҳисобланади. «Камалак» болалар ташкилоти ҳамкорлигида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги кўмагида ўтказилаётган фестивалда юртимизнинг барча ҳудудларидан 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар мумтоз ва миллий чолғулар, қўшиқ, рақс, тасвирий ва амалий санъат, шеърият ва адабиёт йўналишлари бўйича ўз истеъдодларини намойиш этадилар.

Лойиҳада қатнашиш учун аризалар барча ҳудудлардаги «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказлари ва «Камалак» болалар ташкилотининг туман ва шаҳар бўлимларида қабул қилинган бўлиб, бу энг чекка қишлоқлардаги болалар учун ҳам фестивалда ўз иқтидорини синаб кўриш имконини яратди. Фестивалнинг янада адолатли ўтишини таъминлаш мақсадида ҳакамлар ҳайъати аъзолари, таниқли маданият ва санъат вакиллари ҳамда ташкилотчилар саралаш жараёнларида бевосита иштирок этишиб, юртимизнинг чекка-чекка ҳудудларидаги ёш истеъдод эгалари иқтидорини баҳоладилар.

Шу йилнинг 16 октябридан бошлаб барча ҳудудларда бўлиб ўтган вилоят саралаш босқичлари натижасида, республикамизнинг чекка туманларидаги 615 нафар истеъдодли болалар кашф этилди. Эндиликда улар финал босқичида иштирок этадилар.

Анъанавий «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали — бу катта байрам бўлиб, унда болалар санъатнинг турли йўналишлари бўйича ўз қобилиятларини намоён этишлари мумкин. Бундан ташқари, у мамлакатимиздаги истеъдодли болаларни кашф этиш ва келгусида уларни қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос модели, машҳур юлдузлар билан бир саҳнада чиқиб, жамоатчилик назарига тушиш имконидир.

«Янги авлод» лойиҳасининг муваффақияти Тошкент ва Самарқанддаги Болалар ижодиёти марказларининг очилишига туртки бўлди. Бугунги кунда бу марказларда 2000 га яқин болалар компьютер саводхонлиги, актёрлик маҳорати, мусаввирлик, каштачилик, қўшиқ санъати, рақс, шахмат каби йўналишлар бўйича шуғулланмоқдалар.

Тадбир сўнггида барча номинациялар бўйича ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

**(Ўз мухбиримиз)**

***Шу кунларда жойларда хотин-қизлар қўмиталари ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда. Уларда мазкур жамоат тузилмаларининг оила институтини янада мустаҳкамлаш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифалари белгилаб олинмоқда.***

**2012 йил — Мустаҳкам оила йили**

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбатида мазкур тадбирларни юқори савияда ўтказиш, жамият ҳаётида хотин-қизлар фаоллигини янада ошириш масалалари муҳокама этилди. Тадбирда сенаторлар, депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маънавият тарғиботчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари М.Ражабова, Республика «Олима» аёллар уюшмаси раиси Р.Муртазоева, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори Д.Аҳмедова, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси ўринбосари Н.Миродилова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, жамият ҳаётининг турли жабҳаларидаги фаоллигини янада ошириш масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу йўналишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида жамиятимизда «Соғлом она – соғлом бола» тамойилини қарор топтириш, айниқса, қизлар соғлиғини асраш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ишлар ҳажми тобора ортяпти.Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, аёлларга ўз тадбиркорлик ишини йўлга қўйишда яқиндан кўмаклашиш, уларнинг билим ва малакасини юксалтиришга оид бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Таълим масканлари ва маҳаллаларда «Ораста қизлар» тўгаракларининг йўлга қўйилгани ўсмир қизларнинг маънавияти ва дунёқарашини бойитишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда шаҳар ва туманларда бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов конференцияларида, корхона ва ташкилотлар, маҳаллалардаги учрашувларда хотин-қизлар қўмиталари фаолияти сарҳисоб этилиб, долзарб масалалар ечимига эътибор қаратилмоқда.

Давра суҳбатида хотин-қизларнинг фуқаролик жамиятини шакллантириш, оилани мустаҳкамлаш жараёнларидаги ролини кучайтириш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги кенг иштирокини таъминлаш бўйича 2013-2014 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури лойиҳаси муҳокама этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Семинар**

## ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА БАҒИШЛАНДИ

***«Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси янада такомиллаштирилмоқда.***

Тошкент Давлат юридик институтида ўтказилган семинарда жамоатчилик назорати ва унинг шакллари, илмий-назарий жиҳатлари ҳақида сўз борди.

Тошкент Давлат юридик институти ректори О.Муҳаммаджонов мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари тобора ривожланиб бораётгани жамоатчилик назоратининг кучайишига хизмат қилаётганини таъкидлади. Зеро, давлат ҳокимияти органлари устидан кучли жамоатчилик назоратининг мавжудлиги фуқаролик жамиятининг энг муҳим шартларидан биридир.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишда субъектлар қатор ташкилий шакллардан фойдаланиши «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасида баён этилган. Давлат органларига мурожаат қилиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, қонунлар, дастурлар, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг бошқа қарорларининг жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитувлари ана шундай шакллардандир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, олимлар ва экспертлар иштирок этган семинарда жамоатчилик назорати шаклларининг назарий асослари, жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмини такомиллаштиришга оид масалалар илмий таҳлил этилди.

Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **КЕЧА** Маънавият тарғибот маркази Бектемир туман бўлими ташаббуси билан «Сувмаш» корхонасида «Юксак ҳуқуқий маданият – жамият тараққиёти гарови» мавзуида тадбир ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги Солиқ коллежида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Олмазор енгил саноат касб–ҳунар коллежида Ўзбекистон Республикаси байроғи қабул қилинган кун муносабати билан шоирлар иштирокида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

## XXI аср садоси

*Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Бухорода «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита, Республика Байналмилал маданият маркази ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган тадбирда давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, миллий маданият марказлари фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди.**

**● Қарши давлат университетида «Давлат рамзлари – муқаддас тимсоллар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакили, вилоят ички ишлар бошқармаси ва бир қатор ташкилотлар томонидан ўтказилган тадбирда университет профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.**

**● Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги «Боёвут-Бунёдкор» ғишт заводида «Асакабанк»нинг вилоят филиали томонидан ажратилган бир миллиард 940 миллион сўмлик кредит маблағлари эвазига хориж технологияси асосида янги линия ишга туширилди. Натижада бу ерда бир кеча-кундузда 80 минг дона ғишт ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлди.**

**● Жиззах шаҳрида одам савдосига қарши курашишда ҳокимият органлари ролини ошириш масалалари мавзуига бағишланган минтақалараро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарда одам савдоси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотлари, кенг жамоатчиликнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб этадиган, инсониятга таҳдид солувчи хатарлардан бири эканлиги таъкидланди.**

### ЖАҲОНДА

**● Last Pictures халқаро ижодий лойиҳаси доирасида бутун дунёдаги олим ва рассомлар махсус танлаб олиниб, кремнийли дискка жойланган, Ер курраси ҳақида турли-туман маълумот берувчи 100та суратга эга бўлган ўзига хос «открятка»ни коинотга юборишни режалаштиришмоқда. Маълумотларга кўра мазкур тарихий диск космосга жорий йилнинг 20 декабрида Россиянинг «Протон-М» элтувчи ракетаси ёрдамида жўнатилади.**

**● Германиянинг 1847 йилдан буён фаолият кўрсатаётган машҳур Siemens концерни 2014 йилга келиб харажатларни қисқартириш бўйича татбиқ этилаётган дастур ҳисобига 6 миллиард евролик маблағни тежаб қолишини маълум қилди. Бунда 3 миллиард еврога яқин маблағни Siemens етказиб берувчилар сонини қисқартириш ҳисобига тежаш ниятида. Яна 2 миллиардлик маблағ эса ишлаб чиқариш жараёнларини яхшилаш ва қувватлардан янада самарали фойдаланиш ҳисобига тежалади.**

**● Польшанинг Познань музофотининг шимолий чегараси яқинида жойлашган Мораско шаҳридан Шарқий Европа ҳудудида учраган метеоритларнинг энг йириги топилди. Яъни, 300 килограммли Коинотдан тушган ушбу тошни геологлар металл излаб топувчи анжом ёрдамида 2 метрлик чуқурликдан топишди.**

**● Кениянинг шимолида жойлашган Самбуру музофотидаги қишлоқлардан бирида қорамол ўғрилари гуруҳини қўлга олиш чоғида куршовга тушиб қолган 42 нафарга яқин полициячи ҳалок бўлди.**

***Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришганидан кейин ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш йўлини танлади. Ушбу мақсадларга эришиш учун эски маъмурий-бошқарув тизимидан хусусий мулкчиликнинг устуворлиги, дахлсизлиги ва мулк ҳуқуқини амалга ошириш кафолатларига асосланган бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш белгилаб олинди. Мулкдорлар синфини шакллантиришда шахс, жамият ва давлатнинг ободлиги ва фаровонлигини таъминлаш, шунингдек, мулкдорларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уни амалга оширишни кафолатлаш миллий сиёсатимиз ва иқтисодиётимизнинг муҳим масаласига айланди.***

Ислоҳотлар оқимида

# МУЛКДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ

Иқтисодиётнинг мафкурадан тўла холи бўлиши, давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич, изчил амалга оширишдан иборат бўлган, ҳозирда тараққиётнинг «ўзбек модели» сифатида тан олинган беш тамойилга асосланган ислоҳотлар бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотмаган. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган «Ислоҳотлар – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» тамойили бугунги кунга келиб ўзини тўлиқ оқлаганининг гувоҳимиз.

Шу ўринда ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг дастлабки босқичида авваламбор, ушбу институтнинг қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга қаратилди. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги ва «Давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қабул қилинди. Уларда мулкчиликнинг хусусий шаклини жорий этиш ва унинг эркинлигини таъминлашга қаратилган қоидалар, қолаверса, давлат мулки объектларининг тўлиқ равишда ёки қисман давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши каби қоидалар белгиланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йилда қабул қилинган «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Фармонлари тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хусусий мулкчилик муносабатларни ривожлантиришда катта ҳисса қўшганлигини эътироф этиш жоиз.

Иқтисодий ислоҳотларнинг кейинги босқичида иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилиш шароитида хусусий мулкнинг ҳимоясини бундан да мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ушбу даврда бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни янада мустаҳкамлаш борасида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, янги таҳрирда Солиқ кодекси каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигини эътироф этиш жоиз. Бу даврда иқтисодиётда хусусий мулк улушининг ошиши, мулк эгалари фаолияти эркинлигини янада мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва тадбиркорликка, шу билан бирга қишлоқ хўжалиги соҳасида фермерлик ҳаракатига кенг имкониятлар берилди. Буни биргина 2011 йилда мамлакатимизда аҳоли жами даромадларининг 47 фоизи тадбиркорлик фаолиятидан олинганлигида кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлда қабул қилинган «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2006 йил 24 июлда қабул қилинган «Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Фармонлари иқтисодиётда хусусий мулкчиликни янада кенгайтириш ва унинг ролини ошириш, бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, хусусийлаштирилган корхоналар билан банд бўлган ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек уй-жой бозори ва ипотекани ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омилларни яратишга қаратилган эди.

Шу билан бирга, холисона таҳлил, ислоҳотларнинг мантиқи ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётни бошқариш тизимини, хусусан мулкчиликнинг хусусий шаклини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда.

Шу аснода, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да «...биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкининг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур. Тадбиркорлар ўз бизнесига бехавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим» дея таъкидланганлиги бежиз эмас.

Бинобарин, мамлакатимизда хусусий мулк ҳуқуқи ва ҳимоясини мустаҳкамлашга қаратилган яхлит қонунни қабул қилиш эҳтиёжи пайдо бўлди ва ушбу қонуннинг хусусий мулк ҳуқуқининг энг муҳим жиҳати ҳисобланган ушбу мулкдорларнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириш, ҳимоя қилиш, мулкнинг дахлсизлиги ва хавфсизлиги кафолатларини таъминлашга қаратилган бўлиши асосий мақсад этиб белгиланди.

Жумладан, 2012 йил 25 сентябрда кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқи кафолатларининг муҳим масалаларини ўз ичига қамраб олди. Асосийси ўз ичига 4 боб ва 29 моддани қамраб олган мазкур Қонуннинг ҳеч бир хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасида учрамаслигини таъкидлаб ўтишимиз лозим.

Бинобарин, ушбу Қонундан ўрин олган давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган хусусийлаштириш натижаларининг қайта кўриб чиқилмаслиги ва бекор қилинмаслиги тамойили (Қонуннинг 24-моддаси) хусусий мулк тўғрисидаги қонунчилик тажрибасидаги янгилик ҳисобланади. Мазкур норма бозор муносабатларининг замон талабларига, халқаро стандартлар ва нормаларига жавоб беришини кўрсатади. Ушбу Қонуннинг 24-моддаси иккинчи қисми орқали хусусийлаштирилган мол-мулк бўйича хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек суд томонидан ташаббус билан чиқишга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Бу ўз навбатида, мазкур Қонуннинг мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги ва хусусий мулкнинг дахлсизлиги принципларига мос келишини кўрсатади. Ушбу нормаларни бузган шахсларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлишининг мустаҳкамланиши эса хусусий мулкнинг дахлсизлигини кафолатлашда муҳим роль ўйнайди.

«Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири – бу хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган усулларидан ташқари янги усулларининг белгиланганлигидир. Хусусан, давлат органининг ва бошқа органнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ва хусусий мулк ҳуқуқининг ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги (Қонуннинг 9-моддаси), шунингдек, хусусий мулкни амалга оширишга давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф равишда аралашувига йўл қўйилмаслиги (Қонуннинг 12-моддаси) ҳеч бир давлат органи ёки унинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилинган қарорлари хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги лозимлигини англатади.

Бундан ташқари, мазкур Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат органи ва бошқа орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни уни қабул қилган орган томонидан қопланиши, ёҳуд суднинг қарори билан ушбу органнинг мансабдор шахсига юклатилиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, хусусий мулк ҳуқуқини янада ҳимоя қилиш, хусусан, мулкдорларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари ва уларнинг ҳимоя қилиниши кафолатларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар иқтисодиётни янада диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни чуқурлаштириш, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишида хусусий мулкнинг улуши ва ролини ошириш, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун инвестицияларни жалб этиш, юқори сифатли, рақобатбардош ва экспортга мўлжалланган маҳсулотларни кўпайтириш, аҳолининг иш билан таъминланганлиги ва даромадининг оширилишига хизмат қилади.

Бинобарин, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларининг ҳаётга татбиқ этилиши иқтисодиётда хусусий мулкнинг самарали ҳаракатланиши учун қулай шарт-шароит яратади, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, мулкдорнинг тадбиркорлик фаолияти давомида орттирадиган даромадининг янада кўпайишига замин яратади. Бу эса, ўз навбатида жамият ва давлатнинг янада тараққий топишига, эртанги кунга ва изчил ривожланишга ишонч уйғотади.

**Сахипжамал ДЖОЛДАСОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлари номзоди**

# «O'ZKLAASAGRO» — ЗАМОНАВИЙ БРЕНД

***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалик машинасозлиги тармоғини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Германиянинг «Claas» корпорацияси билан ҳамкорликда 2010 йили пойтахтимизда ташкил этилган «O'zKlaasAgro» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси фаолияти ҳам ана шу мақсадларга йўналтирилган.***

Тошкент трактор заводида жойлашган қўшма корхонада «Claas» корпорациясининг «Klaas-dominator» русумли дон ўриш ҳамда «Ягуар-850» озуқабоп экинлар комбайнлари, «Axos», «Arion» русумли юқори унумли ҳайдов тракторлари, «Markant-55» пресслаш ускуналари ишлаб чиқарилмоқда.

– Мўл ҳосил рамзи бўлган яшил рангдаги «Klaas» техникаси ўз брендига эга, – дейди «O'zKlaasAgro» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Ҳабибулла Худойберганов. – Бу мавқени сақлаш ва юксалтириш асосий мақсадимиздир. Шу боис корхона фаолиятининг барча босқичларида сифат мезонларига қатъий амал қилинади.

Кейинги икки йилда Марказий Осиё давлатларига 900 техника етказиб берилди. «Dominator-130», «Tucano-430» ғалла ўриш комбайнлари, «Axos-340» трактори шулар сирасидандир. Улар сифат жиҳатидан жаҳон стандартларига тўла жавоб беради. Зеро, ана шундай ишонч боис юртимизда «Claas» корпорациясининг техникасидан 1997 йилдан буён кенг фойдаланиб келинмоқда.

Корхона техникасига талаб йил сайин ортмоқда. Мисол учун, 2010 йилда 170 комбайн, 160 трактор, 150 дан зиёд прессловчи ускуна сотилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида қарийб 150 ғалла ва озуқабоп экинлар ўриш комбайни, 300 ҳайдов трактори, юз дона прессловчи ускуна ва бошқа турдаги техника фермерлар ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб берилди.

«Ягуар-850» озуқабоп экинларни ўриш комбайни чорвадор ва фермерларга қўл келмоқда. Дунё бозорида муҳим ўрин тутувчи мазкур техника барча турдаги озуқабоп экинларни ташиш ва сақлашга мослаб сифатли ўради ҳамда майдалайди. Унинг ўришга мўлжалланган эҳтиёт қисмлари ихчам ва ечилишга қулай.

Корхонанинг машҳур техникасидан яна бири тежамкор «Доминатор-130» ғалла ўриш комбайнидир. Уни бошқариш осон, ишлаш тизими автоматлаштирилган. Ўрилаётган майдон, ер ва техниканинг ҳолати ҳақидаги барча маълумот автоматик равишда ҳайдовчи кабинасига етказилади. Бу иш жараёнида узилишларнинг олдини олиш ва носозликни ўз вақтида тузатиш имконини беради.

Бугун фермерларимиз далаларида ана шундай 360 замонавий техника ишлаб турибди. Яқин истиқболда уларнинг сонини яна 220 тага кўпайтириш режалаштирилган.

Барча ҳудудларга қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш мақсадида «O'zKlaasService» корхоналари ташкил этилмоқда. Ҳозиргача Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё, Андижон, Қашқадарё, Навоий вилоятларида ана шундай филиаллар ишлаб турибди.

Корхонада ишчилар сони ва малакаси мунтазам ошириб борилмоқда. Мисол учун, 2010-2011 йилларда ишчилар сони 45 нафардан 116 нафаргача ўсган бўлса, жорий йилнинг охирига қадар яна 40 иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда.

Айни вақтда корхонада техниканинг бир қатор ускуна ва бутловчи қисмларини тайёрлаш ўзлаштирилди. Маҳаллийлаштириш дастури асосида тайёрланган эҳтиёт қисмлари улуши ҳозир қарийб 15 фоизни ташкил этмоқда. 2014 йилга бориб бу кўрсаткични 50 фоизга етказиш мўлжалланган.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**



***Маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда 119 шаҳар, 9060 қишлоқ аҳоли пункти марказлашган сув таъминотига эга. Шаҳар аҳолисининг 89,4, қишлоқ аҳолисининг 73,1 фоизига марказлашган тартибда тоза ичимлик суви етказиб берилмоқда.***

# «СУВСОЗ» АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

«Сувсоз» давлат унитар корхонаси бош технологи Д. Казибековнинг айтишича, инсон саломатлиги учун мутлақо безарар ичимлик суви одатда ер қаъридан 55-70 метр чуқурликдан тортиб олинади.

Тошкент шаҳри аҳолисига асосан 7 сув иншооти орқали бир кунда ўртача қарийб 2 миллион метр куб миқдорида сув етказиб берилмоқда. Кейинги 4 йил ичида Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 10 миллион АҚШ долларилик кредити эвазига «Қадрия» бош сув узатиш иншоотлари реконструкция қилинди. Айни вақтда энг замонавий мосламалар, сув ўлчагичлар ўрнатилди. Кўриниб турибдики, эришилган ютуқлар ичимлик сувни иқтисод қилиш, энергияни тежаш, энг муҳими пойтахт аҳолисига узлуксиз равишда сифатли ичимлик суви етказиб беришни таъминлайди.

**Акбар АЛИЕВ**

Қарор ва ижро

# ЯНГИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – БОЖХОНА НАЗОРАТИГА

***Божхона хизмати мамлакатимизнинг иқтисодий суверенитетини ҳимоя қилиш, ички ва ташқи давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим ўрин тутади. Мамлакатимиз ҳудудида самарали божхона назоратини таъминлаш ва товар айирбошлашни тартибга солиш, иқтисодий тараққиётни рағбатлантириш ҳамда ички бозорни ҳимоя қилиш божхона сиёсатининг асосий йўналишларидандир.***

– Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси божхона органлари фаолиятини замонавий талаблар даражасида ташкил этишга қаратилган изчил ишлар амалга оширилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси матбуот хизматининг катта инспектори Ҳусан Тангриев. – Эришаётган муваффақиятларимиз асосини божхона хизматларини технологик қайта жиҳозлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга жадал жорий этиш ташкил қилади. Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Товарларни божхонада расмийлаштириш учун кетадиган вақт божхона органлари фаолияти самарадорлигини белгилайдиган асосий халқаро мезонлардан биридир. Уни қисқартиришга божхона технологик жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурларини кенг жорий этиш орқали эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, «Uznet» ва «East Telecom» миллий провайдерлар ҳамкорлигида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида Давлат божхона қўмитасининг марказий аппарати, унинг 15 ҳудудий бошқармаси, барча божхона комплекслари ва постлари бугунги кунда ягона ахборот узатиш тизимига уланган. Бу борада алоқа тизимининг тўрт тури – телефон алоқаси мавжуд божхона постларида ADSL (мис кабель) ва GM (шиша толали) модемлари, телефон алоқаси мавжуд бўлмаган постларда радио ҳамда йўлдош алоқа тизимидан фойдаланилмоқда. Бунинг натижасида реал вақт режимида ишлайдиган дастурий маҳсулотларни жорий этиш имконияти пайдо бўлди.

Кейинги босқичда реал вақт режимида ахборот тўплаш, уни назорат ва таҳлил қилиш, унга ишлов бериш бўйича қатор автоматлаштирилган ахборот тизимлари жорий этилди. Хусусан, юк божхона декларациялари маълумотларига ишлов бериш бўйича автоматлаштирилган тизим, «Авто», «Темир йўл», «Божхона омбори», «Божхона тўловлари», «Божхона назорати», «Божхона қонунбузарликларини ҳисобга олиш», «Товарларнинг божхона экспертизаси» автоматлаштирилган ахборот тизимлари, Давлат божхона қўмитасининг веб-портали, ташқи савдо операцияларининг ягона ахборот тизими, «Электрон рақамли имзо» автоматлаштирилган ахборот тизими, электрон ҳужжат айланиш тизими, «Т-6 шаклидаги божхона декларацияси» автоматлаштирилган ахборот тизими шулар жумласидандир.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлардан кўзланган асосий мақсад божхона расмийлаштируви жараёнини такомиллаштириш, божхона органлари фаолиятини тезкор бошқариш, божхона қонунчилигининг бузилиш ҳолатлари, контрабандани аниқлаш, божхона расмийлаштириш жараёнида инсон омили таъсирини истисно этишдан иборат.

Божхона органлари фаолиятига жорий этилган автоматлаштирилган ахборот тизимлари ахборотни тўплаш, ишлов бериш, таҳлил қилиш, сақлаш ва «божхона пости-вилоят божхона бошқармаси — Давлат божхона қўмитаси» занжири бўйича реал вақт режимида узатиш ва қайта қабул қилиш имконини бермоқда. Бу тизимни ташкил этишда қатор давлатлар божхона маъмуриятининг тажрибаси ўрганиб чиқилди ва қўлланилди.

Бу тизимлар божхона органларининг юкларни автомобиль ва темир йўл транспорти орқали етказиб беришни назорат қилиш, божхона омборларида товарлар сақланишини назорат қилиш ҳамда ҳисобга олиш, товарлар божхона қийматини ва божхона тўловлари тўланишини назорат қилиш, товарларни турли божхона режимларида декларация қилиш ҳамда юк божхона декларациялари маълумотларига ишлов бериш, экспорт-импорт шартномалари ижросини ҳисобга олиш ва мониторинг қилиш каби асосий вазифалари ҳамда йўналишларини қамраб олган.

Ушбу тизимлар, ахборот хавфсизлиги талабларини назарда тутган ҳолда, уларни кейинчалик кичик тизимлар сифатида Давлат божхона қўмитасининг Автоматлаштирилган ягона ахборот тизимида бирлаштиришни эътиборга олиб ишлаб чиқилди. Қайд этилган барча ахборот тизимлари ўзимизда ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ўн иккитаси давлат ахборот тизими сифатида рўйхатдан ўтказилган.

Давлат божхона қўмитасининг Автоматлаштирилган ягона ахборот тизими Марказий банк, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Адлия, Молия вазирликлари, Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг электрон ахборот тизимларига уланган. Бу эса зарур ахборотни идоралараро тезкор алмашиш имконини бермоқда.

Давлат божхона қўмитасининг Автоматлаштирилган ягона ахборот тизимидан божхона органларининг барча бўлимида фойдаланилмоқда ва бу божхона назоратини амалга ошириш, тўловларни ундириш ҳамда қонунбузарликларга қарши курашишга ёрдам бераётир. Бугунги кунда мазкур тизимдан фойдаланаётган ходимлар сони 2400 нафардан ошди ва бу тизим билан ёрдамчи ходимлардан ташқари божхона расмийлаштируви билан шуғулланадиган барча таркибни қамраб олинган.

2011 йилда Давлат божхона қўмитасининг Автоматлаштирилган ягона ахборот тизимидан фойдаланиш натижасида божхона қийматини камайтирган ҳолда божхона декларацияларини тақдим этиш бўйича 742 ҳолатнинг олди олинди, нотўғри ахборот тақдим этиш туфайли ҳисобга ўтказилмаган қўшимча 1 миллиард 342 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундирилди. 2012 йилнинг тўққиз ойида декларацияларни қиймати камайтирилган ҳолда расмийлаштиришга оид 1632 ҳолатнинг олди олинди ва бу бюджетга қўшимча равишда 634 миллион 203 минг сўм божхона тўловларини ундириш имконини берди.

Айни пайтда «Электрон декларациялаш», «Ягона ойна», «Хорижий мамлакатлар ахборот тизимлари билан маълумотлар алмашиш» каби ахборот тизимлари, экспорт, импорт ва транзит товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатини назорат қилиш мақсадида транспорт воситалари рақам белгиларини аниқлаш тизимини жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Божхона постларини замонавий техник назорат воситалари билан жиҳозлаш божхона органлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг яна бир муҳим йўналишидир.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч халқаро аэропортлари энг янги рентген аппаратлари, наркотик моддаларни аниқлаш ва радиация назорати воситалари, тарозилар, текширув оптикаси ва бошқа техника воситалари билан жиҳозланган. Уларда хизмат кўрсатиш даражаси халқаро божхона амалиёти талабларига жавоб беради.

Истиқлол йилларида барпо этилган ва халқаро ўтказиш пунктлари мақомига эга «Андархон», «Ғиштқўприк», «Сариосиё», «Олот», «Дўстлик», «Ойбек», «Навоий», «Хонобод», «Ўзбекистон», «Айритом» йирик божхона комплекслари ҳамда постларини жиҳозлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Давлат божхона қўмитасининг Автоматлаштирилган ягона ахборот тизими, шунингдек, жорий этилаётган бошқа ахборот технологиялари Ўзбекистонда божхона назоратини ташкил этиш ва мамлакатимизнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Виктор НИКОЛАЕВ**

